



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

**Қурбонова Барчиной Мирзахамдамовна**

Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси

## **БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА БАДИИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТАЙЁРЛАШ ШАКЛ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

### **Аннотация**

Ушбу мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга тайёрлашда умумпедагогик туркумдаги ўқув фанлари алоҳида имкониятларга эгаллиги, шунингдек, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш шакл ва технологиялари ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** бадиий тафаккур, инновацион усуллар, воситалар, методлар, таълим, тарбия шакллари, ўқувчилар, талабалар, ўқитувчилар.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг асосий шакли маъруза ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг назарий ва амалий тайёргарликларини таъминловчи педагогик амалиёт, махсус семинарлар, амалий лаборатория машғулоти, талабаларнинг мустақил ишлари ташкил этилади.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг умумпедагогик билимлари таркибига қуйидагилар киради:

- методологик, назарий ва амалий билимлар;
- назарий, конструктив техник билимлар;



- мазмунли ва операционал билимлар, фундаментал ва инструментал, назарий ва амалий билимлар тўплами.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга тайёрлашда умумпедагогик фанлар дастурларини модификациялаштириш шунда намоён бўладики, бугунги кунда таълим тизимида, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини педагогик фаолиятга самарали тайёрлаш устувор йўналиш сифатида эътироф этилган. Мана шу сабабли бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш муаммосини ҳал этиш эҳтиёжи кучайтирилмоқда. Шу сабабли тақдим этилган модификациялаштирилган умумпедагогик фанлар дастури долзарб, талабга мувофиқ келадиган амалий зарурият маҳсулидир. Биринчи навбатда мавзулар орасидаги ўзаро боғлиқлик ва уларнинг бир-бирини тўлдириши, алоқадорлигини таъминлашга ҳаракат қилинди.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга тайёрлашда умумпедагогик туркумдаги ўқув фанлари алоҳида имкониятларга эга. Умумий методологик-педагогик қоидалар, умумпедагогик йўналишлар, талабаларнинг педагогик фаолиятга тайёрлик ўлчовлари, тамойиллари, омиллари, шартлари, тизими, педагогик жараённинг босқичлари, унинг умумий мазмуни, технологияси, шакли, методлари ва улар фаолиятига қўйиладиган талабларни сингдириш жараёнида мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантириш имкониятларини кенгайтириш йўллари ҳам кўрсатиб ўтилади.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш жараёни ўзига хос **педагогик тизим** сифатида намоён бўлиши керак. Бу қуйидагиларда ўз ифодасини топади.

Чунончи, умумкасбий фанларни ўрганиш жараёнида:

- ✓ бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг ижтимоий-педагогик ва касбий-шахсий майллари асосида мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга назарий-методологик жиҳатдан тайёрлаш;
- ✓ бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий шаклланишлари учун хизмат қиладиган назарий билимларнинг мазмун моҳиятини асослаш;
- ✓ талабаларга мунтазам тарзда бадиий тафаккурнинг назарий ва амалий асослари ҳақида ахборотлар бериш, уларни бу соҳадаги халқаро тажрибалар билан таништириш;
- ✓ тасвирий санъат дарсларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришнинг муҳим воситаси эканлигини асослаш ва унинг педагогик имкониятларидан талабаларни хабардор қилиш;
- ✓ тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларда бадиий тафаккурни шакллантиришга талабаларни ўргатиш, ўқувчиларда бадиий тафаккур шаклланганлиги мезонларини билиш ва илғор ўқитувчиларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ўрганиш ҳамда ижодий ўзлаштириш билан бир қаторда, таълим-тарбия жараёнида улардан унумли фойдалана олишларига эришиш;
- ✓ бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган педагогик изланишлар олиб бориш, тадқиқотчилик фаолиятига киришишлари учун қулай педагогик шароит яратиш;



- ✓ бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга хизмат қиладиган методик воситаларни яратишга ўргатиш;
- ✓ бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини педагогик амалиётлари даврида мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга оид билимлари, педагогик ҳамда методик маҳоратларини оширишга алоҳида эътибор қаратиш;
- ✓ педагогик амалиёт натижаларига кўра бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мустақил билим олиш, касбий ўз-ўзларини такомиллаштириш ҳамда мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга оид назарий-методик тайёргарликларини оширишга йўналтириш.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш технологияси алоҳида аҳамиятга эга.

Аниқ педагогик технологиянинг тузилиши, мазмуни, уларнинг элементлари орасидаги алоқадорликнинг тўғри англаш ва ташкил этиш натижасида тасвирий санъат дарсларининг самарадорлиги таъминланади.

Замонавий педагогик технологиялар учта асосий таркибий қисмдан иборатлиги педагогика фанида асослаб берилган. Улар: умумпедагогик, хусусий-методик (предметли) ва модулли қисмлардир. Замонавий педагогик технология асосини шахсга йўналтирилган педагогик жараён ташкил қилади.

Ўрганилаётган педагогик жараён технологиясида асосий ҳолат ушбу жараённи тизимли бошқариш, ишлаб чиқилган педагогик тизимни амалиётга муваффақиятли татбиқ этишдан иборатдир. Бу ўринда ўқув жараёнининг қуйидаги қисмлари: майллар, мақсадга йўналтирилган дидактик ҳаракатлар, ўқув материалларини танлаш, тайёрлаш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш, талабанинг ўқув фаолияти натижаларини аниқлаш ва баҳолашга хизмат қиладиган атамаларни танлаш ва қўллашда намоён бўлади. Педагогик технологиялар ўқув жараёнининг қисмлари ва босқичлари учун ишлаб чиқилади ва татбиқ этилади.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш жараёнида қўлланиладиган педагогик технологияларга бир қатор талаблар қўйилади:

- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга тайёрлашга йўналтирилган педагогик технологияларнинг мазмуни ДТСлари ва ўқув дастурлари мазмунига мос бўлиши;
- ўрганилаётган муаммони амалий ҳал қилиш мақсадлари ва масалаларига мувофиқ келиши;
- тарбиявий жиҳатларининг устуворлиги билан ўқув жараёнининг анъанавий технологияларини такомиллаштириш ва янгиларини излаш асосида изчил, тизимли тарзда шаклланган бўлиши керак.

Мазкур технологияларнинг мақсади, мазмуни, улар таркибига кирган инновацион усуллар, воситалар, методлар, таълим, тарбия шакллари, талабалар ва ўқитувчилар, педагогик жараёндан кўзланган кафолатланган натижа педагогик жараён технологияларининг муҳим қисми ҳисобланади.



Яхлит педагогик тизимнинг таркибий қисмлари каби унинг функционал компонентлари ўзининг муайян технологияларига эга. Муаммога технологик ёндашув асосида ўқув жараёнининг муҳим масалаларини ечиш, педагогик тизимнинг муайян қисмлари, босқичлари, педагогик жараёнда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга оид билимларга амал қилиб ва уни кучайтириш, мазкур мақсадга босқичма-босқич эришиш, шу тарика бўлажак ўқитувчининг ҳар томонлама ривожланиши, баркамол шахсни шакллантиришга тайёр бўлиши таъминланади. Шу мақсадда талабаларга мунтазам педагогик таъсир кўрсатиш кўзда тутилади. Педагогик жараёнда энг асосий нарса бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга тайёр бўлишларидир. Бунинг учун мазкур жараённинг мақсади, мазмуни, шакллари ва методлари мутаносиблигини таъминлаш лозим. Уларнинг бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш жараёнига мослиги, технологик тизимда белгиланган имконини беришида намоён бўлади.

Педагогик технологияларнинг тузилиши, тизимлилиги, босқичлари, тамойиллари, асосий қисмлари, аниқ-ўқув фани ва маърузалар мазмунини қамраб олишига эътибор берилади. Ўқув жараёнининг маърузадан кейинги қисмлари бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга оид билимларини мустаҳкамлаш, унинг асосий қисмларини такрорлаш, маъруза асосида ташкил этилган ўқув жараёнини яқунлаш ва тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларда бадий тафаккурни таркиб топтиришга оид тавсиялар беришга эътибор қаратилади. Шу билан бир қаторда, ўқув топшириқлари ва уларни бажартириш технологияларига талабаларнинг диққат-эътиборлари жалб этилади.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга тайёрлашга йўналтирилган ўқув-маърузалари жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратилди: ўқув жараёни мақсадини аниқлаш; ўқув жараёнига нисбатан майл ҳосил қилиш; талабаларнинг диққатлари ва идрок этишларини фаоллаштириш; маъруза жараёнига талабаларнинг иштирокини кучайтириш; талабаларга тақдим этилган янги ўқув материалларини такрорлаб, мустаҳкамлашларига эришиш, маърузаларга яқун ясаш; талабаларга мавзу бўйича топшириқлар бериш; маъруза материаллари юзасидан зарур адабиётлар ва қўшимча манбаларни тавсия этиш кабилар. Шу билан бир қаторда, аниқ-ўқув бирлиги технологияси, маъруза қилиш, ўқув майлларини ҳисобга олиш, мақсадга йўналганлик, ўқув материали мазмуни баён этиш, жадваллар ва схемалар ёрдамида маърузалар мазмунини талабаларга аниқлаштирган ҳолда етказиш, ўтилган мавзунини умумлаштириш ва мустаҳкамлаш, дарсга яқун ясаш, талабаларга тавсиялар, топшириқлар бериш, талабалар ўқув фаолиятлари ва ўқув жараёнини тавсифлаш, баҳо бериш каби қисмлардан ташкил топади. Ушбу ўқув бирлиги технологиясини модификациялаштириш натижасида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга тайёрлашда самарали натижаларга эришилди. Масалан, ўқувчиларда бадий тафаккурни шакллантиришда: бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга нисбатан ижтимоий-шахсий ва касбий майллари кучайтирилди; ўқувчиларда бадий тафаккурни таркиб топтиришда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг илғор ўқитиш методларидан фойдаланишлари, бунинг учун уларни ҳар томонлама чуқур ўзлаштиришлари ва таҳлил қила олишлари муҳимлиги



уктирилиб бу соҳада кафолатланган натижалар қўлга киритилди. Ўқув жараёни олдида мақсад қўйиш орқали талабаларнинг тасвирий санъат имкониятларини кенгроқ ўрганишга бўлган қизиқишлари кучайтирилди, уларга эгаллашлари зарур бўлган билимлар мазмуни, тасвирий санъат ўқитувчиси фаолиятининг қизиқарли ва мураккаб жиҳатлари очиб берилди. Шу асосда кўзланган натижалар ва бўлажак ўқитувчининг касбий-шахсий мақсадлари белгиланди.

Шундай қилиб, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш жараёнининг мақсадларини белгилаш орқали кўзланган натижага эришиш имкониятлари изланади.

Маъруза материалларини баён этишда ҳикоя қилиш, сўзлаб бериш методларидан кенг фойдаланилади. Бунинг учун ёрқин, мазмунли, талабаларнинг эсида қоладиган, кўргазмали воситалардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Бунда тақдим этилаётган тасвирий санъат асарлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ✓ ёш хусусиятларига мослиги;
- ✓ мазмунининг тушунарлилиги;
- ✓ сюжетининг оддийлиги ва қизиқарлилиги;
- ✓ мазмуннинг чуқурлиги ва идрок этиш мазмундорлиги;
- ✓ тажриба ва тасаввурлари бўйича яқинлиги;
- ✓ композицион қурилиши маънодорлиги;
- ✓ бадиий воситалар, тасвирийликнинг юқори даражалиги;
- ✓ рангли-конструктив қатламининг ифодалилиги;
- ✓ бадиий тафаккур ва ижодий хаёлини фаоллаштириш, бадиий-образли умумлаштиришни талаб этишга қодирлиги.

Маъруза давомида талабаларни баҳс-мунозарага чорловчи саволлар билан қўйилган масаланинг ечимини излаш, талабаларни баҳслашишга тайёр бўлишларини таъминлаш, тасвирий санъат асарларига бўлган қизиқишларини бойитиш, уларда бу соҳага нисбатан янги қизиқишларни шакллантириш алоҳида педагогик аҳамиятга эга. Маъруза жараёнида ўқитувчи барча талабаларга бирдай эътиборли бўлиши лозим.

Маъруза материалларини умумлаштириш ҳам ўқитувчилар, ҳам талабалар томонидан амалга оширилади. Ўқув жараёнининг маърузадан кейинги қисмлари ҳам муайян дидактик қурилишга эга. Мазкур қисмлар ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, бунда кўпвариантли саволлардан фойдаланиш, ўқитувчи ёки талабалар томонидан мустақил тарзда маъруза машғулотида яқин яшаш назарда тутилади. Бундай машғулотларининг педагогик натижаси сифатида танланган ўқув материалидан педагогик амалиётда фойдаланиш бўйича тавсиялар тузилади. Бу тавсияларнинг асосий қисми ўқитувчилар томонидан таклиф этилади, талабалар эса, ўзларининг педагогик, ижодий тасаввурларини фаоллаштирган ҳолда мазкур тавсияларга қўшимчалар қиладилар.

Маърузадан кейинги мустаҳкамлаш-такрорлаш дақиқалари қуйидаги қисмларни ўз ичига олади: савол-жавоблар ўтказиш, тест топшириқларини бажариш, талабаларнинг ёзган маърузаларини ўқиб беришлари ва ҳ.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга тайёрлашда маърузалар муайян талаблар асосида тузилиши лозим:





талабаларнинг ҳиссиётлари, кечинмалари; ўз олдиларига қўйган мақсадлари, майлларини ҳисобга олиш; маъруза матни баёнининг тушунарлилиги, изчиллиги, далилларга бойлиги, ишончлилигини таъминлаш; маъруза матнининг талабалар томонидан тез идрок этилишига эришиш; маърузаларни талабаларга тақдим этишнинг шакл, метод, усул ва воситаларининг турли-туманлиги ва кўпвариантлилигига эришиш; маърузалар ўқиш давомида кўргазмали воситалардан унумли фойдалана олиш; ўқувчиларда бадий тафаккурни таркиб топтириш имкониятига эга бўлган санъат намуналарига нисбатан талабаларда қизиқиш уйғотиш; маърузалар давомида талабаларни мустақил фикрлаш, ижодкорликка, чуқур мулоҳаза қилишга ундаш; бўлажак ўқитувчиларни воқеа-ҳодисаларни идрок этиш, санъат асарларининг мазмун-моҳиятини англашга ўргатиш; бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга оид билимларидан амалиётда фойдаланиш имкониятларини очиб бериш кабилар.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга тайёрлашда асосий дидактик восита сифатида тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда бўлажак ўқитувчилар бир қатор усул ва методларни қўллашни ўрганишлари лозим. Улар сирасига ҳам анъанавий, ҳам инновацион усулларни киритиш мумкин: талабаларни ушбу методлардан хабардор қилиш, уларга мавзу ҳақида ахборот бериш, уқтириш, истиқболни кўра билишга ўргатиш, ўз фикрини исботлаш; ўқиш, сўзлаб бериш, хикоя қилиш, баён этиш, тасвирлаш; суҳбат, диалог; тушунтириш, шарҳлаш, муҳокама қилиш, асосий фикрни кўрсата олиш, англаш; идрок этиш; мисоллар келтириш, намуна кўрсатиш, кўргазмали қуроллар билан ишлаш, намойиш қилиш; кузатиш, ижодий хаёл, тасаввур қилиш, ўхшатиш; солиштириш, таққослаш; умумлаштириш; эслаб қолиш, ёдлаш, ёддан ўқиш; сахналантириш; изланиш, тадқиқотчилик; коллекция тўплаш, тезис тузиш, конспектлаштириш, режалантириш; савол-жавоб, викториналар; тест синовлари, анкета; рағбатлантириш, тақдирлаш; ўз фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш кабилар.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга тайёрлаш жараёнига бир қатор талаблар қўйилади:

- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришга методологик-педагогик тайёрлаш;
- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришнинг назарий асосларини ўргатиш;
- талабаларга мактаб ўқувчиларнинг ёш даврлари психологиясини батафсил ўргатиш;
- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадий тафаккурни шакллантиришнинг педагогик асослари билан қуроллантириш;
- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида ўқув машғулотларига насбатан ижодий муносабатни таркиб топтириш;
- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг коммуникатив кўникмалари, педагогик муомала санъатини шакллантириш;



Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга босқичма-босқич тайёрлаш жараёнида қуйидагилар асосларга таянилади.

Ўқув жараёнининг биринчи босқичида, “Бадиий тафаккур” тушунчаси бўйича бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга методологик тайёрлаш жараёнида уларга бадиий-эстетик тарбияси асосларини сингдириш, ўқувчиларда бадиий тафаккурни шакллантиришга оид тегишли қоидалар, усул ва методлар билан қуроллантириш мақсадида, уларни замонавий таълим-тарбиянинг концепциялари, баркамол шахсни тарбиялаш соҳасидаги назариялар билан таништириладилар, улар ўқиш жараёнида мазкур концепцияларни чуқур ўрганган ҳолда муҳокама қиладилар. Шу билан бир қаторда, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари янги мазмундаги ёндашувлар, миллий ва умуминсоний кадриятлар, илғор педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали шакллари, инновацион методларни ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Улар ривожланаётган Янги Ўзбекистон давлати ва жамияти, унда ўқитувчининг тутган юксак мавқеидан хабардор қилинадилар.

Ўқув жараёнида талабаларга Шарқ мутафаккирларининг ўқитувчи шахсияти ва унинг вазифалари тўғрисидаги қарашлари, устоз-шогирд муносабатларига оид фикрлари тақдим қилинади, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси педагог шахси ва фаолиятига қўйиладиган талаблар билан таништириладилар.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик аҳамияти ҳамда уларнинг касбий-шахсий фаолиятлари истиқболлари ҳақида маълумотлар берилади. Мазкур босқичда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари қуйидагиларни билиши керак:

- ✓ бадиий тафаккурнинг назарий масалалари, уларни фаоллаштириш ва ривожлантириш омиллари, бадиий тафаккур – таҳлил қилишнинг моҳияти, психологияси ва мантиқий тузилишини билиши. Бунда талабаларга биринчи навбатда, тасвирий санъатнинг йўналишлари ва ёш психологияси соҳасидаги билимлар, шунингдек, бағрикенглик, одоб ва педагогик маҳорат жуда зарур;
- ✓ бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари ўқув-амалий материалларнинг мазмунини аниқлаш, ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, тасвирий санъат асарларини идрок этиш-таҳлил қилиш жараёнида ўқувчиларнинг бадиий тафаккурига малакали психологик таъсир кўрсатиш ва фаоллаштириш ҳамда ривожлантиришга педагогик раҳбарлик қилиш;
- ✓ мактаб ўқувчилари бадиий тафаккурини шакллантиришда ҳар бир ўқувчининг тайёргарлиги, унинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш. Бунда ўқувчи шахсининг қизиқиши, истаги, лаёқати, қобилияти, кузатувчанлиги, ўткир идрок этиши, мустақил тафаккури, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришга қодирлиги, ижобий кайфияти, ҳиссиётлари каби шахсининг индивидуал-психологик омиллари назарда тутилади.

Ўқув жараёнининг иккинчи, ахборотларни идрок этиш босқичида, талабалар бадиий тафаккур тарбияси, унинг асосий воситалари, уларнинг тарбиявий хусусиятлари, ўқувчиларда бадиий тафаккурни шакллантириш манбалари, асослари, тасвирий санъатнинг таълим-тарбиявий имкониятлари ҳақидаги билимлардан хабардор бўладилар. Талабаларга тақдим этилган илмий ахборотлар аниқ мисоллар ёрдамида



мустаҳкамланади. Жумладан, мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантириш уларга тасвирий санъат асари, уларнинг яратилиши, муаллифлари, тарихи, рассом устахонасида яратилиши тўғрисида ахборот бериш орқали амалга оширилади. Бунда ўқувчиларни асар билан таништириш давомида ғоявий-бадиий имкониятларини белгиловчи аниқ таърифлар келтирилади.

Ушбу маъруза-суҳбат типигаги машғулотларда куйидаги методлардан фойдаланиш мумкин: талабаларга ахборот бериш, режалаштириш, баён, рўйхат тузиш, таснифлаш, ўрганиш, тушунтириш, муҳокама, ишонтириш, умумлаштириш, далиллаш, намуна келтириш, исботлаш, фикрларни асослаш, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш ҳамда фаоллаштириш кабилар. Ушбу босқичда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантириш муаммосининг руҳий ва умумпедагогик жиҳатларига оид билимларни ўзлаштирадilar.

Талабалар мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга хизмат қиладиган педагогик воситаларни ажратиб оладилар ва машғулотларда уларни муҳокама қиладилар.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга тайёрлашнинг асосий босқичлари куйидагилардан иборат:

✓ дастлабки педагогик босқич – ташкилий-кўргазмали, бунда талабаларнинг бадиий тафаккур, бадиий таҳлилга бўлган қизиқишлари фаоллаштирилади;

асосий босқич – бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга оид билимлар, яъни, санъат асарини бадиий тафаккур - таҳлил қилиш жараёнида турли тафаккур операцияларидан - синтез, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва бошқалардан фойдаланилади (талабалар олдида мана шу тафаккур операцияларини талаб қилувчи саволлар қўйилади);

✓ якуновчи босқич – натижали якуний, бунда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга оид ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари сарҳисоб қилиниб натижалар баҳоланади.

Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларда бадиий тафаккурни шакллантириш масаласи шахсга йўналтирилган таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланиши лозим. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришнинг назарий-амалий асосларини ўзлаштиришларига йўналтирилган босқичда ўқувчиларда бадиий тафаккурни шакллантириш бўйича талабаларнинг синфдан ташқари ишларни ташкил этишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришда синфдан ташқари ишлар ҳам катта педагогик имкониятларга эга эканлиги талабалар онгига етказилади. Мазкур жараённинг асосий мақсади билан бўлажак ўқитувчилар яқиндан таништириладилар.

Синфдан ташқари тадбирларга ўқувчилар кенг жалб этилишлари лозим. Бунда уларнинг қизиқишлари ва лаёқатларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур жараёнда ўқувчиларда бадиий тафаккур, таҳлилни шакллантириш учун қулай педагогик шароитлар вужудга келтирилиши лозим. Бунинг учун бўлажак





Ўқитувчилар бадиий тафаккурни таркиб топтиришнинг турли шакллари ва воситаларини излаб топишга ўрганишлари керак.

Синфдан ташқари ишларда тасвирий санъат ўқитувчиси ўзининг шахсий маҳоратини кўрсатиши, ўқувчиларнинг идрок кучи, қизиқувчанлиги, ўқув жараёнидаги фаоллиги, мулоқотга кириша олиш кўникмаларига таяниши лозим. Синфдан ташқари тарбиявий жараёнларда ҳам бўлажак ўқитувчилар илғор ўқитиш усулларидан кенг фойдалана олишлари керак.

Мактаб ўқувчиларида тасвирий санъат воситасида бадиий тафаккурни шакллантириш мақсадида ташкил этиладиган синфдан ташқари тарбиявий тадбирлар олдида бир қатор вазифалар кўйилади:

- дарсда ўрганилган ўқув материалларини чуқур ўзлаштириш;
- ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган таълимий ҳаракатларни амалга ошириш;
- тарбиявий жараёнлар кўламини кенгайтириш каби.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган синфдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг тасвирий санъатга оид билим ва тушунчаларни идрок этиш, тасвирий санъат намуналарига бўлган қизиқишларини орттириш учун қулай шароит яратади. Жумладан:

- ✓ бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг тегишли психологик-педагогик тайёргарликлари;
- ✓ асарни бадиий таҳлил қилишда педагогик вазият;
- ✓ тафаккурни фаоллаштириш, эмоционал-ҳиссий идрок этиш, асарни таҳлил қилиш устида фаол ишлашга психологик тайёрликни яратишга аниқ кўрсатма.

Синфдан ташқари тарбиявий тадбирларнинг ўзига хос жиҳати, унинг педагогик имкониятларга эгалидир. Бунда бўлажак ўқитувчи мавзунини эркин танлаш, машғулотлар регламентини мустақил белгилаш, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини кенг кўламда ҳисобга олиш, уларга ҳар томонлама психологик-педагогик таъсир кўрсатиш, тасвирий санъат асари ғоясини батафсил ва чуқур ўргатиш имкониятига эга. Синфдан ташқари тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўқувчиларда бадиий тафаккурни шакллантириш мақсадида, талабалар ўзларининг вариатив дастурларини тузишлари ҳамда амалиёт жараёнида уларни татбиқ этишлари мумкин.

Талабалар мазкур босқичда ўқувчиларда бадиий тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг ўзига хос хусусиятларини батафсил ўрганишга киришадилар.

Синфдан ташқари таълим-тарбия жараёнида мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим: ўқувчиларда бадиий тафаккурни таркиб топтиришда турли педагогик шакл ва воситалардан фойдалана олиш, айтиб беришнинг ўзида ўқувчиларга турли характердаги санъат намуналарини тақдим қилиш тажрибасини ўзлаштиришлари керак. Ўқувчиларни бадиий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг яхлитлигини таъминлашга бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари ҳар томонлама тайёрланишлари лозим. Тасвирий санъат



дарсларида ўқувчиларда бадиий тафаккурни шакллантириш жараёни динамик характерга эга бўлиши лозим. Ушбу жараёнда ўқитувчи ўқувчи шахсини бадиий-эстетик жиҳатдан шакллантиришга эришиши керак. Олий ўқув юртида талабалар худди мана шундай педагогик фаолиятга тайёрланадилар:

- бадиий тафаккур – таҳлил этиш маданиятига эга бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг нафақат ижтимоий-шахсий аҳамиятга эга эканлиги, балки танлаган ихтисослиги истиқболларини ҳам очиб бериш;
- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг ўрганилаётган санъат тури, бадиий тафаккурни шакллантириш асосларидан хабардорликлари;
- ўқувчиларнинг психологик-педагогик кайфияти ва уларнинг асарларни идрок этиш, таҳлил қилишларини ташкил қилиш, ушбу жараёни бошқариш;
- шунингдек, дадил ва ижодий бадиий тафаккурни рағбатлантириш;
- эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини санъатнинг бошқа турлари асарларини идрок этишга кўчириш билан бадиий тафаккурнинг мустақил амалиёти.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари таълим жараёнининг мазмунини яхши билиши, ўқувчиларга тақдим этиладиган энг зарур ахборотларни чуқур ўзлаштирган бўлиши, мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган педагогик технологияларни эгаллаган бўлиши, ўқувчиларга самарали педагогик таъсир кўрсата олиши, ўқувчилар фаолияти натижаларини аниқ кўра олиши ва тўғри баҳолай олиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари мактабдан ташқари шароитларда ўқувчиларда бадиий тафаккур операцияларини амалга оширишларига кўмаклашишга тайёр бўлишлари лозим.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари мактаб ўқувчиларининг ўзига хос жиҳатлари, ҳаётий тажрибаларига эътибор қаратишга ҳам ўрганишлари керак. Улар ўқувчиларга ибрат намунаси кўрсата олишга ҳам тайёр бўлишлари лозим. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари ўзининг педагогик, ташкилотчилик, коммуникатив, тадқиқотчилик, изланувчанлик кўникмалари билан яққол ажралиб туриши керак.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари ўз устида мунтазам ишлай олишлари лозим. Ўқувчиларда бадиий тафаккурни шакллантириш учун бўлажак ўқитувчи ота-оналар билан ишлаш кўникмасига ҳам эга бўлиши зарур. Бунинг учун бўлажак ўқитувчилар ҳиссий-руҳий, шахсга йўналтирилган таълим назарияси, тасвирий санъатга оид назарий маълумотлар, инновацион усуллар, педагогик билимлар, эстетик тарбияга оид методологик ёндашувлар, интеллектуал-ижодий фаолият тажрибаси, ҳиссий-эстетик ва бадиий-эстетик билимлар, бадиий тафаккурга йўналтирилган амалий фаолият тажрибасини ўзлаштиришлари лозим.

Тасвирий санъат дарсларида шахсга йўналтирилган таълим тамойили асосида ўқувчиларда бадиий тафаккурни шакллантириш, машғулотлар жараёнида уларни ривожлантиришга оид педагогик билимлар билан бўлажак ўқитувчиларни қуроллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларга индивидуал ва табақалаштирилган ёндашув асосида билим бериш, бу жараёнда уларнинг хоҳишлари, қобилиятлари, кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ўқув топшириқлари бериш кўникмасини эгаллаш ҳам бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари учун ниҳоятга зарур.



Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга тайёрлашда уларга топшириқлар - мавзуси, мақсади, турлари ва шакллари бўйича турлича - назарий-педагогик ва амалий, методик; тасвирий санъат назарияси ва амалиёти бўйича – бадиий-таҳлилий; қизиқиши ва қобилияти бўйича. Қатор ҳолат, вазиятларда қайси билимни қўллаш тўғрисида ёрдам беришга йўл кўйилмайди.

Топшириқлар турли-туман: улар “Нима учун?”, “Бу қандай бажарилади?” деган саволларга жавоб бериш, “Мазмунини очиб бериш”, “Бадиий умумлаштиришни кўриб чиқиш” талаб қилинди. Уларни бажаришда бадиий тафаккур зарур бўлади.

Бадиий таҳлил қилишда талабаларнинг бадиий-таҳлилий тафаккур ва қадриятни шакллантириш мақсадида турли хилдаги ўқув топшириқлари берилади:

- ✓ муаммоли-назарий изланиш ва ижодий хусусиятдаги топшириқларда асарнинг алоҳида компонент ва элементлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, умумлаштириш, аниқлаштиришни билиш талаб этилади;
- ✓ топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши қуйидагиларга боғлиқ бўлади:
- ✓ бадиий тафаккур таркибига кирувчи қатор компонентларга;
- ✓ билимларини қўллашни билишга;
- ✓ бадиий кўриш қобилиятига;
- ✓ асарнинг ғоявий-мазмунли ва композицион тузилишида сабаб-оқибатли боғлиқликларини аниқлашни билишга.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларидан мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг қурилиши, таркибий қисмлари, босқичлари, улар орасидаги алоқадорликни изоҳлай олишлари талаб этилади. Ўқув жараёнига нисбатан янгича технологик ёндашувларни ҳам бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари фаолиятига сингдириш олий таълим тизимининг муҳим вазифаларидан биридир. Мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган ўқув топшириқлари, матнларни танлаш, турли тадбирларни ташкил этиш кўникмаларини бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида ҳосил қилиш ниҳоятда зарурдир.

Мухтасар қилиб айтганда, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мактаб ўқувчиларида бадиий тафаккурни шакллантиришга тайёрлашда бир қатор инновацион методлардан фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, импрессиив метод, ахборот узатиш, ахборотларни идрок этиш, ўқув материалларини ўрганиш, муҳокама қилиш, баҳс-мунозара қабилар. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг тасаввурлари, фантазиялари, хулосаларини кенгайтириш ниҳоятда зарурдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Kakharovna, A. M., Tadjimatovich, Y. M., Rakhmatovich, S. O., & Mirzahamdammovna, Q. B. (2021). Modern Approaches to the Teaching of Fine Arts. *Solid State Technology*, 64(2), 4250-4254.
2. Kurbanova, B., Khurshid, M., & Tokhirjon, S. (2022, May). THE ROLE AND IMPORTANCE OF A SYSTEMATIC APPROACH TO TEACHING IN THE FINE ARTS. In *Archive of Conferences* (pp. 105-107).



3. Maksudov, U. K. (2020). CHARACTERISTIC OF THE PROCESS OF DEVELOPMENT OF SOCIAL ACTIVITY SKILLS IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS THROUGH FOLKLORE. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(7), 407-412.
4. Maksudov, U. K. (2020). ISSUES OF NATIONAL VALUES AND SOCIAL ACTIVITY OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF POSITIVE PSYCHOLOGY. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 394-396).
5. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).
6. Mirzahamdammovna, K. B., Erkinovna, A. N., & Jumadillaevich, S. R. (2021). USE OF INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN FINE ARTS CLASSES OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS.
7. Qurbonova, B. (2021). The history of visual art and its importance in people life. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 1558-1561.
8. Qurbonova, B., & Djuhanova, N. (2020). PSYCHOPHYSIOLOGICAL BASIS OF COLOR SELECTION IN YOUNG PEOPLE. *Theoretical & Applied Science*, (1), 27-37.
9. Sadikovna, S. G., Kurbonova, B., Akhmedova, N., & Sulaymanova, S. (2020). FUNDAMENTALS OF PROFESSIONALISM DEVELOPMENT ON THE EXAMPLE OF PRACTICAL EXERCISES ON FORMING THE SKILLS AND SKILLS OF FUTURE TEACHERS. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 8894-8903.
10. SAIDKULOVICH, S. B., & UGLI, T. J. U. The Social Pedagogical Necessity of Developing Students' Aesthetic Culture in the Process of Globalization. *International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology*, 8(1), 75-77.
11. Siddikov, B. S. (2020). The importance of sports and recreation activities for a harmoniously developed generation. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 107-111).
12. Siddikov, B., & Djalalov, B. (2020, December). MODERNIZATION OF EDUCATION-THE FUTURE INNOVATIVE COMPETENCE OF TEACHERS AS A MAIN FACTOR OF FORMATION. In *Конференции*.
13. Siddiqov, B. S., & Mexmonaliyev, S. N. (2022). PEDAGOGIK AMALIYOTNING BO 'LAJAK O 'QITUVCHINING KASBIY TAYYORGARLIK FAOLIYATIDA TUTGAN O 'RNI. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 10-16.
14. Tuychieva, I. I. (2018). Mechanisms Ensuring Children's Thought Activity Development at Preschool Education Process. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
15. Tuychieva, I., Aripov, S., Madaminova, D., & Mustayev, R. (2021). THE PEDAGOGICAL SYSTEM OF PREPARING BOYS FOR FAMILY RELATIONSHIPS IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS. *湖南大学学报 (自然科学版)*, 48(8).





16. Urinova, N. M. (2018). Developing and Promoting Students' Social Activity. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
17. Urinova, N., & Abdullaeva, N. (2020). Opportunities for formulating research skills for higher education students. *Молодой ученый*, (11), 193-195.
18. Ахмедов, Б. А. (2020). Сиддиков Бахтиёр Саидкулович, Джалалов Бахромжон Бегмурзаевич МОДЕРНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ-ОСНОВНОЙ ФАКТОР В ФОРМИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. *Academy*, 9, 60.
19. Ахмедов, Б. А., Сиддиков, Б. С., & Джалалов, Б. Б. (2020). МОДЕРНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ-ОСНОВНОЙ ФАКТОР В ФОРМИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. *Academy*, (9 (60)), 20-22.
20. Джалалов Б.Б. (2016). МЕСТО И РОЛЬ ВОЗДЕЙСТВИЯ ВОСПИТАНИЯ В ПОВЫШЕНИИ ОБЩЕСТВЕННОЙ АКТИВНОСТИ УЧАЩИХСЯ. *Ученый XXI века*, (5-1 (18)), 38-41.
21. Джалалов, Б. Б. (2016). Место и роль воздействия воспитания в повышении общественной активности учащихся. *Учёный XXI века*, (5-1 (18)), 38-41.
22. Джалалов, Б. Б. (2018). РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ КАК ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION* (pp. 53-55).
23. Джалалов, Б. Б. (2019). ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ. In *EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY* (pp. 43-44).
24. Джалалов, Б. Б. (2020). ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, 10(3).
25. Джалалов, Б. Б. (2022). ВО ‘LAJAK O ‘QITUVCHILARNING INNOVATSION KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHDA SMART-TA’LIMNING IMKONIYATLARI. *УЧИТЕЛЬ*, 3(4).
26. Джалалов, Б. Б., Хатамов, Х. А., & Насайдинова, Ф. У. (2016). Преимущества коллективного обучения. *Ученый XXI века*, 40.
27. Ибрагимова, Ш. (2022). ВО ‘LAJAK BOSHLANG ‘ICH SINF O ‘QITUVCHILARIDA METODIK KOMPETENTLIKNI SHAKLLANTIRISH-PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA. *УЧИТЕЛЬ*, 3(4).
28. Курбанова, Б. М. (2022). БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА БАДИИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ. *УЧИТЕЛЬ*, 3(4).
29. Курбанова, Б. М. (2016). Роль перспективы в создании образца изобразительного искусства. *Учёный XXI века*, (7 (20)), 29-31.





30. Курбонова, Б. М. (2016). Роль перспективы в создании образца изобразительного искусства. *Учёный XXI века*, (7 (20)), 29-31.
31. Курбонова, Б. М., & Юлдашев, И. Т. (2015). К вопросам развития композиционного мышления студентов в процессе обучения изобразительному искусству. *Молодой ученый*, (7), 803-805.
32. Сиддиков, Б. С., & Джалалов, Б. Б. (2016). ЗАДАЧИ РАЗВИТИЯ АКТИВНОСТИ МОЛОДЁЖИ С ПОМОЩЬЮ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТРЕНИНГОВ. *Ученый XXI века*, (6-2).
33. Уринова, Н. М., & Байджанов, Б. Х. (2016). Социально-педагогические особенности подготовки будущих учителей к воспитательной работе. *Учёный XXI века*, (4-2 (17)), 21-24.
34. Уринова, Н. М., & Таджибоева, Х. М. (2018). Педагогические основы развития социальной активности учащейся молодежи. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILOSOPHY, SOCIOLOGY, HISTORY AND POLITICAL SCIENCE* (pp. 29-33).
35. Уринова, Н. М., & Хусеинова, С. Б. (2021). Теоретико-практическая подготовка будущих учителей гуманитарного профиля к социально ориентированной воспитательной работе. *Бюллетень науки и практики*, 7(5), 434-440.